



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (11.429)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Мажлис Қонунчилик палата-сида «Инқирозга қарши чоралар дас-тури бажарилиши жараёнларининг ом-мавий ахборот воситаларида ёритили-ши» мавзуга бағишланган давра суҳ-бати бўлиб ўтди.
- Олий Мажлис Қонунчилик палата-сининг Халқаро ишлар ва парламент-лараро алоқалар қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Ўзе-бикстоннинг Яқин Шарқ давлатлари бил-лан парламентларо алоқаларининг ҳо-лати ва истиқболлари» мавзуга ба-ғишланди.
- Олий Мажлис Қонунчилик палата-си Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси йиғилишида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимо-ий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун-нинг шахсий ногирон деб топишга оид нормаларининг Сурхондарё вилоятида бажарилиши тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.
- Самарқандда Мирзо Улуғбекнинг 615 йиллиги ҳамда Халқаро Астроно-мия йиллиги бағишланган «Мирзо Улуғ-бекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси» мавзuidaги нуфузли халқаро конференция ниҳоясига етди. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Мурожаат билан чиқишди.
- Самарқандда Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқиро-зи Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» аса-рини ўрганиш бўйича ташкил этилган республика кўрик-танловининг худудий босқичи бўлиб ўтди.
- Қорақалпоғистон Республикаси, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, барча туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари раҳбарла-ри иштирокида Ўзбекистон Республика-си Давлат солиқ қўмитасининг навбат-даги ҳайъат йиғилиши ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ-ни сақлаш вазирлигига қарашли Қон препаратлари илмий-ишлаб чиқариш корхонасида Халқаро донорлар кунига бағишланган семинар ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

- Италиянинг Лечче шаҳрида «Кат-та саккизлик»ка аъзо давлатлар молия вазирларининг учрашуви ўтказилди. Унда таъкидланганидек, жаҳон молия-вий-иқтисодий инқирозда аста-секин барқарорлашув белгилари сезилаётган бўлса-да, вазият ижобий томонга ўзгармоқда, дейишга ҳали эрта.
- Бугун эрталаб Грузия ва Абхазия бўйича БМТ миссиясининг амал қилиш муддати тугади. Россия БМТ Хавф-сизлик Кенгашининг Грузия ва Абха-зия бўйича БМТнинг миссияси манда-тини узайтириш тўғрисидаги резолю-ция лойиҳасига қарши чиқди.
- Эроннинг олий қонунчилик органи ҳисобланмиш Конституция ҳимоячила-ри Кенгаши мамлакат собиқ бош ва-зири Мир-Хусайн Мусавий томонидан берилган президент сайловлари нати-жаларига нисбатан шикоят аризасини қўриб чиқиш учун қабул қилди. Рас-мий маълумотларга кўра, Мусавий бўлиб ўтган президент сайловларида иккинчи ўринни эгаллаган ва овоз бе-риш натижаларига норозилик билдир-ган. Кенгаш Мусавийнинг аризаси бўйича ўн кун ичида қарор қабул қили-ши керак.
- БМТ Хавфсизлик Кенгаши Шимо-лий Кореяга нисбатан 2006 йил ок-тябрда ер ости ядро синови ўтказган-лигига қарши қўлланган санкциядан та-шқари қатъийлаштирилган янги санк-цияни жорий этди. Мазкур санкция шу йил 25 майда яна бир ядро синови ўтказилганига қарши чора бўлиб, ушбу ҳужжатда КХДРга нисбатан бир қанча тақиқловлар жорий этилган.
- Кеча жаҳоннинг етакчи биржала-рида ўтказилган савдоларда нефть нархининг бирмунча пасайганлиги ку-затилди. Жумладан, Лондонда ўтка-зилган савдоларда бир баррел «қора олтин» нархи 69,44 доллар миқдорда қайд этилган бўлса, Нью-Йорк биржа-сида ушбу кўрсаткич 70,62 долларни ташкил этди.

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЬТАО УЧРАШУВИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашиш учун Екатеринбург шаҳрига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

ЕКАТЕРИНБУРГ, 15 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

Учрашувда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

— Биз Хитой билан ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлай-миз, — деди Ислам Каримов.

— Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзаси-дан фикр алмаштириш учун қулай имкониятдир, — деди Ху Цзиньтао.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосига қурилган муносабатлар барча соҳаларда из-чил ривожланмоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига, минтақавий ва халқаро муаммоларга қараш-лари ўхшаш ва яқин экани муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги мулоқотлар, турли мақомдаги делегациялар алмашуви из-чил давом этмоқда.

Молиявий ҳамкорлик доирасида Хитой ҳукуматининг фоизсиз ва узоқ муд-датли имтиёзли кредитлари, Хитой Эксимбанкнинг экспорт кредитлари ҳисо-бидан ижтимоий соҳага оид ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга доир кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Нефть-газ соҳасида сармоявий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Мил-лий нефть-газ корпорацияси (CNPC) Орол денгизи акваториясида, Устурт, Бухоро, Хива ва Фарғона сармоявий блокларига геология-разведка ишлари-ни олиб бормоқда.

Мамлакатимизда энгил саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта иш-лаш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда 223 та Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хитойнинг 44 та фирма ва компанияси Ўзе-бикстонда ўз ваколатхонасини очган.

Маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Фестиваль, кўрғазма, маданият кунлари ва бошқа маданий тадбирлар изчил давом этмоқда. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ютуқлари сифатида Тошкентда Конфуций номидаги институт, Пекинда-ги Миллатлар марказий университетида Ўзбек тили бўлими очилганини таъ-кидлаш жоиз.

Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муно-сабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳам-корлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзаси-дан фикр алмашдилар.

(ЎзА)

ОДКБ ЙИГИЛИШИ

МОСКВА, 14 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 июнь кун Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шарт-номаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон, Россия, Ар-манистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ОДКБнинг Коллектив опе-ратив ҳаракат кучларини (КСОР) тузиш ҳақидаги қарорининг ижроси қўриб чи-қилди.

Саммитда ОДКБ қамаган ҳудудда хав-фсизлик ва барқарорликни мустаҳкам-лаш, ташкилот фаолияти самарадорли-гини ошириш ва томонларни қизиқтир-ган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қирғи-зистон Республикаси Президенти Қурманбек Бақиевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муно-сабатларга ва минтақада сув-энергетика заҳираларидан оқилона фойдаланишга оид масалалар муҳокама қилинди.

ШҲТ САММИТИ

ЕКАТЕРИНБУРГ, 15 июнь. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташки-лотининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Екатеринбург шаҳрига келди.

Саммит ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожики-стон раҳбарлари иштирок этдилар.

Президентлар ШҲТни янада ривожлантириш, унинг ҳузуридаги тузилмалар фао-лиятини такомиллаштириш, кузатувчи давлатлар ҳамда бошқа минтақавий ташкилот-лар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Саммитда халқаро молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш ва оқибат-ларини бартараф этиш, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзаси-дан фикр алмашилди.

ШҲТ саммити 16 июнь кунги ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200
ТОШКЕНТ

МИРОБОД ТУМАНИ



Бугунги кунда пойтахтимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, бунёдкорлик ва ободлик ишлари қизгин паллага кирганлигига гувоҳ бўласиз. Бу албатта, жонажон Тошкентимизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддуди...

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ

Пойтахтимизнинг 17,13 квадрат километр майдо-нини эгаллаган ва 122,6 минг турли миллат вакил-ларидан иборат аҳоли исти-кокат қилаётган Миро-бод тумани ҳам Мустақил-лигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим шаҳримизнинг қутлуг тўйи нишонланади-ган кунга қизгин тайёргар-лик кўришмоқдаки, бу бар-ча соҳалардаги меҳнат кўтаринчилигида, амалга оширилаётган ободликда, мухташам иншоотлару ту-рар жойлар кўриқда, ёш кекса қайфиятида яққол ифодасини топмоқда.

Республикаимиз Прези-дентининг 2008 йил 2 ап-релдаги «Тошкент шаҳри-нинг 2200 йиллигини ни-шонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори миро-бодликларни ҳам руҳлан-тириб, бажариладиган иш-ларга дастурамал бўлди.

Туманда шу асосда иш-лаб чиқилган чора-тадбир-лар режасига кўра ташки-лий, тарғибот, маданий ва маърифий тадбирлар ўтка-зиш, бунёдкорлик ишлари, кўп қаватли турар жой би-ноларини тартибга келти-риш ва мавзеларни обод-донлаштириш, туман иқти-содий салоҳиятини оши-риш, аҳолини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш кўзда тутилган ҳолда улар муваффақият-ли адо этилмоқда.

Байрам муносабати билан 93 та янги объект курилиши ва 357 та объект таъмирланиши ре-жалаштирилган бўлиб, ҳозирда 41 таси бунёд этилди, қолганларида курилиш ишлари авжида. Шунингдек, 152 та объек-тда таъмирлаш ишлари яку-нига етиб, 205 тасида амалга оширилмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туманда жойлаш-ган шаҳримиз тарихи, унинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган меъморий обида — «Мингўрик» тепа-лиги ҳам бугунги кунда Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги-нинг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойда-ланиш илмий ишлаб чиқа-риш бош бошқармаси то-монидан тикланмоқда.

Қўқаламзорлаштириш, гулзорлар ташкил этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқ-даки, бу туман кўржини янада оқди. 5 минг тул-дан ортик дарахт кўчатла-ри, 200 минг дондан зиёд турфа гуллар кўча, май-дон, корхона, муассаса, ўқув юрталари, уй-жойлар ён-атрофларини бевади. Шунингдек, йўл ва пиёда-лар йўлақлари, автобус бе-катларини таъмирлаш иш-лари бажарилапти.

Жорий йилнинг январь-апрель ойи якунига кўра туманда саноат маҳсулот-лари ишлаб чиқариш ҳажми 107428,2 миллион сўмни, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш 35004,5 миллион сўмни ташкил этди. Бу ўтган йил-нинг шу даврига солиши-тирганда ўсиш суръатла-ри кўрсатмоқда. Туман

бўйича ташқи савдо айлан-масининг ҳажми 926132,2 минг АҚШ долларини таш-кил этиб, экспорт кўрсат-кичи 253312,7 доллардан иборат бўлди.

Туман аҳолисининг тур-муш даражасини янада ях-шилашга қаратилган иж-тимоий дастурларнинг иж-роси бўйича жорий йил би-ринчи чорағида 2710 та янги иш жойлари ташкил этилди, шу жумладан 229 та касаначи иш ўринлари очилди. Янги иш жойла-рининг 66 фоизи, яъни 1796 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига тўғри келаётган-лиги ушбу соҳага қарати-лаётган эътибордан ёрқин далолатдир. Худудий ма-ҳаллийлаштириш дастурига тумандаги 12 та корхона 24 та лойиҳа бўйича киритил-ган бўлиб, улар томонидан биринчи чорақда 5 мил-лиард 489 миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланди.

Тумандаги 39 та маҳал-лада кенг миқёсдаги обо-дончилик, бунёдкорлик ишлари давом эттирил-моқда ва байрам арафа-сида бундай долзарб юмушлардан ҳеч ким чет-да тургани йўқ. Шу боис бўлса керак, ҳамisha ободлик ярашиб турган Миробод маҳалла ва гузарлари, кўча ва майдонлари, уй-жойла-ри, кўйинги, барча-барча худуди кўр очмоқда, пой-тахт тўйига муносиб ҳозир-лик кўрмоқда.

(Миробод туманига ба-ғишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз).

ҚИСҚА САТРАЛДАР

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

✓ **КЕЧА** Миллий тикланиш демократик партияси марказий Кенгаши «Ешлар қаноти» томо-нида ёшларни ёт гошлар таъ-сиридан асрашнинг аҳамиятига бағишлаб уюштирилган тадбир-да партия фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

✓ **КЕЧА** Собир Раҳимов туман ҳокимлигида туман фа-оллари, ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир одам сав-досига қарши кураш масала-ларига бағишланди.

✓ **БУГУН** Миробод туманида-ги 218-мактаб қошидаги «Қалдир-оч» болалар ёзги оромгоҳида ту-ман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан тарбия-ланувчилар, тарбиячилар иштиро-кида уюштирилган тадбир «Ёз — ўтмоқда соз» деб номланди.



✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалла гузарига 8-16 ёшли болалар ўртасида волей-бол, баскетбол, стол тенниси бўйи-ча ўтказилган спорт мусобақалари туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан уюштирилди.

МИРОБОД ТУМАНИ



2200
2009
ТОШКЕНТ

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ



Ёшлар — келажакимиз

Туманда жойлашган олий ўқув юртлири орасида замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган, санъат соҳасида етук мутахассислар тайёрлашга муҳим ҳисса қўшаётган Ўзбекистон Давлат санъат институтининг муносиб ўрни бор.

ПОЙТАХТ МАДҲИ — ҚЎШИҚ ВА АСАРЛАРДА

Авалло таъкидлаш лозимки, мазкур институтда фаолият кўрсатаётган 2 та факультетда 1040 нафар талаба 13 та таълим йўналиши бўйича билим олишди. Уларнинг ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича етук кадр бўлиб етишишлари учун олийгоҳда барча шароитлар муҳайё этилган. Моддий-техник база бугунги кун жаҳон андозлари даражасига тўла жавоб беради. Ижодий устаконалар, суратга олиш павильони, овоз эзиш, монтаж қилиш ва фото-студиялар бўлғуси санъаткор ва санъатшуносларнинг олган билимларини амалдаги мустақилликларига муносиб ҳисса қўшади. Институт фойегага кириб борар экансиз, унга ўрна-тилган мониторинг талабаларнинг бугунги ҳаёти, ижоди ва изланишларини ёрқин акс эттирувчи лахталарга кўзингиз тушади.

— Қадимий ва ҳамisha нави-рон Тошкентимизнинг 2200 йил-

лигига тайёргарлик, уни муно-сиб нишонлаш борасида тadbир-лар режасини ишлаб чиққан ҳолда босқичма босқич амалий ишларни олиб бораёلمиз, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича бирин-чи проректори Аваз Маллабоев. — Унда педагогларимиз ва тала-баларимиз фаоллик кўрсатишиб, маҳоратларини намойиш этиш-моқда, янги-янги иктидорлар кашф этилмоқда.

Биринчи босқичда азим шаҳ-римизнинг тарихий обидалари, бугунги кун ҳақида суратлар ва кинофильмлар танлови ўтказилиб, энг саралари Тошкентнинг 2200 йиллиги тантаналарига тавсия этилди. «Азми Тошкентим», «Шодлик», «Азим диёримсан», «Юртим таронаси» сингари қўшиқ-лар ана шулар жумласидандир. Яна бир эътиборли томони эса ушбу янги қўшиқлар Республика-миз Мустақиллигининг 18 йилли-ги арафасида ўтказилаётган «Яго-

насан, муқаддас Ватан!» кўрик-тан-ловида ҳам иштирок этади.

Институтда ўтказилган энг яхши ишлар танлови, спек-такллар кўриги ҳам пойтахтнинг кутлуғ тўйига бағишланди. Бўлиб ўтган 10-ёшлар фестива-лида талабалар 14 та номина-сида бўйича беллашиб, ғолиблар диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланишди. Шунинг-дек, педагог-композиторлар, та-лабалар иштирокида пойтахти-мизнинг кўллаб туманларига ижодий учрашувлар, концерт дастурлари намойиш этилмоқда. Кутубхонада шахримиз ҳаётига оид кўргазма ҳам ташкил этил-ди. Айниқса, талабалар турар жойларида уюштирилаётган «Санъатга бахшида умр» деб номланган тadbирларда таниқли драматурглар, тарихшунослар, журналистлар ва артистлар иш-тироки ёшларга таълим ва тар-бия мактаби бўлмоқда.

Тошкентимизнинг ҳар бир ту-мани тарихини ўз ичига олган «Ун икки ўрик» деб номланган дра-матик асарнинг яратилиб, бади-ий кенгашдан ўтганлигини ҳам таъкидлаш ўринли. Насиб этса, мазкур асарнинг сахналаштири-либ, намойиш этилиши ҳам қўзда тутилмоқдаки, бу талаба-ларнинг байрамга муносиб тух-фаси бўлади.

Туман иқтисодиёти ривожиди, ички ва ташқи бозорни «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлашда, янги иш ўринларини ташкил этишда, ўз мавқеига эга бўлган ва нуфузи ортиб бораётган «Ўзэлектроаппарат-Электроцит» қўшма корхонаси очiqқ акциядорлик жамиятининг муҳим ўрни бор.

Буни мазкур жамоада кўзда ту-тилган хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида цехларнинг янги технологик линиялар билан жиҳозланганлиги, бунинг натижа-сида ишлаб чиқариш ҳажми, маҳ-сулотнинг сифатли, харидоргир турлари ортиб бораётганлиги ақвол кўрсатмоқда. Россиянинг «Группа компаний Электроцит-Самара» компанияси таркибига кир-увчи 20 дан зиёд корхоналар каторида фаолият олиб бораёт-ган мазкур жамоада тайёрланаёт-ган юкори ва паст вольтли электр жиҳозлари халқ ҳужалигининг кўллаб сохаларида муваффақият-

усунаси билан жиҳозланган буюш цехини ишга туширдик, — дейди бош директорининг биринчи ўрин-босари Владимир Суволоккин. — Бу албатта, кўлда бажарилмаган ишларни энгиллатиш баробари-да атроф-муҳит тозаллигига ҳам муҳим ҳисса қўшади. Лазер маж-муасининг иш бошлаганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Маҳ-сулотларимиз турларини эса бо-зорни ўрганиш асосида энгиллаб бораёلمиз. Цехларни модерниз-ация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини режа асосида олиб бораёلمиз. Мамла-катимизда ишлаб чиқилган Инки-

Иқтисодиёт

ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР ШАРОФАТИ

ли қўлланиляпти. Республика Энергетика вазирлиги, «Шўртан-газ» кимё мажмуаси, Навоий ва Олмалик кон-металлургия комби-натлари, энгил саноат вазирлиги, Фарғона нефтни қайта ишлаш за-води, «Лукойл», «Зеромакс» ком-паниялари ва бошқа кўллаб йи-рик корхоналар асосий бюртма-чилик сирасидан бўлиб, шунинг-дек, маҳсулотлар Россия, Қозоғи-стон ва Тожикистон давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Энди рақамлар тили билан га-пирадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган беш ойда корхонада 17819,2 миллион сўмлик маҳсу-лот тайёрланиб, ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда ўсиш суръат 132,4 фоизни ташкил эта-ди. Шунингдек, ўтган бир йил да-вомида 100 га яқин қўшимча иш ўринлари яратилиб, бугунги кун-да корхонада 887 нафар иши-чи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ҳозирда корхонада 12 та ишчи касаначилик асосида ишламоқда.

Корхона меҳнат ахли азиз пой-тахтимизнинг 2200 йиллигини ўзига хос меҳнат ютуқларига ва олдиларига қўйган эзгу мақсад-ларига эришиб кўтиб олмоқда. Корхонада янги йўғув цехи ишга туширилди. Цех бошлиғи Қувон-дик Сапаровнинг таъкидлашича, ушбу цехда ўрта ва юкори бо-симли электр подстанцияларини йиғиш учун барча шарт-шароит-лар яратилган.

— Шунингдек, Италиянинг янги

розга қарши чоралар дастури иж-роси бўйича ҳар ҳафтада йиғи-лиш ўтказилиб, белгиланган ва-зифаларнинг бажарилишини тах-лил қиламиз, режаларнинг уdda-ланиши назоратга олинган, хом ашё, маҳсулот сифатига эътибор қаратамиз. Мутахассисларимиз-нинг изланишлари хусусида ай-тадиган бўлсак, керакли жиҳоз-лар билан таъминланган 4 та кон-структорлик бўлими иш юри-япти. Уларнинг 3 таси жорий йилда иш бошлади ва янги-янги лойиҳаларни ишлаб чиқишмоқда.

Яна бир энгилки — жорий йил-дан бошлаб корхонада «Чимган» деб номланган янги дазмол иш-лаб чиқарилляпти. Ўзига хос ди-зайнга эга бўлган бундай маҳсу-лотнинг 6 турдан йилига 10 минг донга тайёрлашга эришилди.

Тошкентнинг 2200 йиллиги му-носабати билан шаҳар тарихи ва бугунги ҳақидаги давра суҳбатла-ри, учрашувлар, маърифий тadb-бирлар ҳам ўтказилмоқда. Корхо-на ҳудудини ободонлаштириш, безаш ишлари ҳам кўнгилдагидек бажарилмоқда. Ишчи-ходимлар-нинг ишдан сўнг кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун шароитлар яра-тилмоқда.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, иқтисодиётимиз ривож-ига муносиб ҳисса қўшаётган тadb-биркор жамоа ахли Ватанимиз мустақиллиги кун ва азиз пой-тахтимиз шодибенасини ёрғ юз билан кўтиб олиш тараддуида.

Материалларни Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар



СИРЛИ ОЛАМ



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Буюк Британия, Швейцария, Франция, Австрия, Бельгия, Испания, Ирландия, Люксембург ва Португалия каби давлатларда ўтказила-диган EuroMillions лотереяси ўз ғолибини топди. Испаниялик 25 ёшли аёл 126 миллион евро эгасига айланди. У бу воқеа арафасида шамоллаб қолиб ишга боролмаган ва ишсиз қолишдан жуда чўчиган. Лотерея ташкилот-чилари уни топиб, хабарни айтишганида эса, ўз кулоқларига ишонмаган. Сўнг эса уларни турли саволлар билан кўмиб ташлаган экан. Ҳозирги кунда 126 миллион еврога иккита Airbus 320 лайнери ва Пикасснинг 10 та суратини сотиб олиш мумкин.

● Британия балиқчилари Британия балиқ-чилик тарихидаги энг йирик денгиз чиғаноғи-ни туттиди. Хабарларга кўра, уни Плимут-нинг балиқ бозоридаги балиқ солинган қути-ларнинг биридан топишган. Устрица коса-сининг кенглиги 18 сантиметр бўлиб, умумий оғирлиги эса 1,36 килограмми ташкил эт-ган. Афсус, уни Гиннес рекордлар китобига киритишмаган. Чунки, ушбу китобдан фақат дунё рекордларигагина ўрин олади.

● Япониялик астронавт Койчи Вакат халқа-ро «Мир» фазо станциясида вазнсизлик ҳола-ти бўйича турли тажрибалар олиб бормоқда. Унинг кийимини тахлаш, кўз томчиларини то-мизиш, сув пистолетидан мўлжалга уриш каби уринишлари муваффақиятсиз бўлди. Яқин кун-ларда Койчи учар гилам тажрибасини ўтказ-ди. У бир яримга бир метр катталикидаги «гилам»га пойабзалани елимлаб, унда као-таннинг бир бурчагидан иккинчисига учиб ўтди. Астронавт авваллари вазнсизлик ҳолатида «сузиш»га ҳам ҳаракат қилган. Койчи энди-ликда турли спорт машғулотлари билан ҳам шуғулланмоқчи. Аммо, энди унга арқон тор-тиш учун шерик керак бўлади.

● Йигирма йилдан бери йўқолган дея ҳисоб-ланган марка яқинда Германияда кимовши савдосига чиқарилди. Дунёдаги энг қиммат-баҳо маркалардан бири саналмиш Mauritius One Penny Red маркази бошланғич 200 000 евро нархида баҳоланди. Маркани коллекци-онер Роланд Майснер топиб, дарҳол кимов-шига қўйган эди. У сотувга чиқарган буюмни таърифлаб, дунёда қолган 15 нусхадан бири эканини таъкидлаган. Маврикий маркази бир-ор номаълум кишининг шахсий коллекция-сига тушса, уни ортиқ дунё кўролмаслиги мумкин. Маврикий пойтахтидаги почта му-зейида эса шундай маркарлар сафига кирув-чи Blue Penny ҳар кун кўргазмага қўйилади. У дунёдаги энг қиммат маркардир. Маврикий маркарлари Буюк Британиянинг биринчи мар-калари бўлиб, уларнинг илк нусхаси 1840 йил-да чиқарилган.

● 1957 йилда ишлаб чиқарилган афсона-вий Ferrari 250 Testa Rossa автомобили RM Auction кимовши савдо уйига рекордди на-тижа — 9 миллион евро, яъни 12,2 миллион доллар даромад келтирди. Унинг эгаси ав-томобилини телефон орқали харид қилгани учун номаълумлигича қолган. Ferrari 250 Testa Rossa ҳақли равишда бу марканинг энг ноёб ва машҳур автомобилларидан бири санала-ди. У фақатгина 1957-1958 йилларда ишлаб чиқарилиб, умумий сони — 22. Автомобиль номидаги «250» сони Ferrari компанияси ань-анасига кўра, 12 цилиндрлардан «Testa Rossa» эса двигатель цилиндр бошчаларининг ран-гига ишора бўлган.

● Канаданинг «Вундеркинд» компанияси ян-гича тарбия воситасини тақдим қилмоқда. У занжир ва унга бириктирилган шардан ибор-рат бўлиб, 9,5 килограмм оғирликка эга. Бу занжир ва шарни болалар оёғига боғлаб, дарс қилишларини таъминлаш мумкин. Шарнинг устида таймер жойлашган ва унда ота-она-лар болаларнинг неча соат вақтларини дарс устида ўтказишлари кераклигини белгилаш-лари мумкин. Аммо максимал вақт тўрт со-атни ташкил этади. Белгиланган вақт туга-гач, таймер жаранглаб, қўлф очилади. Шун-дан сўнг бола истаган иши билан шуғулла-ниши мумкин. Мазкур қурилма ижодкорлари болалар озодликдан маҳрум бўлиш нимали-гини билишса, ўқишга масъулият билан ёнда-шишди, деган фикрни билдиришган. Қарийб ўн килограммлик тарбиялагич, бугунги кунда 75 Канада доллари нархида баҳоланган.

● Куосега компанияси EOS номли қай-ишқоқ телефонни намойиш қилди. Унинг ўзига хос томони шундан иборатки, мазкур теле-фон ташқи қувват манбаисиз қувватланиши мумкин. Бунинг учун телефон эгаси уни кўпроқ қўли билан эзса, телефон шу қадар кўп қувватланади. Бунинг сабаби шундаки, Куосега EOS кинет энергиядан фойдаланади. Унда жойлашган кичик пьезоэлектрик гене-раторлар инсон қўлидан қувват олади.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!!!

“Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасининг
 “Тошавтобустранс” ва “Тошэлектротранс” компаниялари
 ҳайдовчи ва чиптачи лавозимларига ишга таклиф қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи:

- автобус ҳайдовчиси - 250-350 минг сўм;
- трамвай ҳайдовчиси - 250-300 минг сўм;
- троллейбус ҳайдовчиси - 200-250 минг сўм;
- чиптачи - 140-180 минг сўм.



Маълумот учун телефонлар: “Тошавтобустранс” Акциядорлик компанияси: 233-59-38
 “Тошэлектротранс” Давлат компанияси: 244-24-75

Ёшлар — келажакимиз

Ҳар бир инсон ёшлигидан орзу-умидлар оғушида улғаяди, камолга етади. Астойдил яхши ният қилган ва орзулари сари интилган одам, албатта мақсадига эришади.

Бугунги кунда ёшларимиз орасида санъатга ихлос қўйган, унинг сеҳрли оламига интилаётган истеъдодли ўғил-қизлар таллайгина. Улар мамлакатимизда ўтказилаётган турли хил тадбирлар, танловлар ва фестивалларда фаол иштирок этиб, ўзларининг



ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

маҳоратлари билан мухлислар қалбидан жой олмақдалар.

Гўзал, дилтортар кўшиқ ёхуд жозибали рақс ҳар бир кишининг диққатини тортади. Қалбингизда ажиб ҳис-туйғулар ва хушқайфият уйғотади. Рақс санъати ҳақида гап кетганда, аввало кўз ўнгимизда таникли раққосаларимиз Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Қизлархон Дўстмухамедова сингари сахна усталарининг мафтункор рақслари намойён бўлиши, шубҳасиз. Бугунги кунда бу устоз санъаткорларнинг издошлари бўлган ёш иқтидорли раққосаларнинг санъатини кўриб, беихтиёр тасаннолар айтаемиз. Мана шундай мохир раққоса кизларимиздан бири Нафиса Раҳматовадир. Биз Нафисахонни шу йили «ойнаи жаҳон» орқали намойиш қилинган «Туш такдирлар» миллий сериалидаги Раъно образи орқали яхши таниймиз, албатта. Сериални томоша қилган ҳар бир томошабинни Раънонинг гўзал рақслари мафтун этган бўлиши табиий. Айниқса, «Тановар»ни юксак маҳорат билан ижро этган бу ёқимтой киз ўзининг етуқ раққоса эканлигини намойён этиб, мухлислар қалбидан ўрин олди...

Нафиса Раҳматова ёшлигидан рақс санъатига қизиқиб, таникли раққосаларимиз ижросидаги гўзал рақсларга мафтун бўлиб улғайди. Асли Фарғона водийсида туғилиб ўсган Нафиса мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўзининг жозибали рақслари билан барчанинг эътиборига тушган эди. Қалбиде чеқсиз орзулар уйғонган ёшгина кизалоқ келажакда Мукаррамахоним сингари раққоса бўлиш ниятида 7-синфни тамомлаб, Таваккал Қодиров номидagi Фарғона Давлат санъат билим юртининг хореография бўлимига ўқишга кирди. Ушбу масканда беш йил таҳсил олиб, малакали мураббийлардан рақс санъати сирларини ўрганди. Орзулар қанотида парвоз қилаётган Нафиса келгусида ўз санъатини янада сайқаллаштириш ниятида Пуртахта келиб, 2005 йилдан Ўзбекистон Республикаси Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблида ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда ансамбль раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зиёда Мадраҳимовадан рақс санъатининг ўзига хос қирраларини ўрганиб, ҳозирда истеъдодли раққосалар сафидан ўрин олди, десак адашмаймиз. У «Тановар», «Муножот», «Гул-лола», хоразмча, эронча, хиндча ўнаб рақслари билан бугунги кунда турли хил байрам тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

— Нафиса истеъдодли, ўз мақсади йўлида интилувчан, изланувчан киз, — дейди ансамбль раҳбари Зиёда Мадраҳимова. — У ўзининг камтаринлиги, хушмуомаласи, санъатга бўлган иқтидори тўғрисида гўрхумимиз кизлари орасида барчага намунадир. Ҳар бир соҳада бўлгани каби рақс санъатининг ҳам ўзига яраша машаққати бор. Рақс санъатининг ҳам сир-асрорлари, қирралари кўп. Нафисанинг бу санъат турига ихлоси, унинг ички дунёси «Туш такдирлар» сериалидаги Раъно образида яна ҳам ёрқин намойён бўлган. Рақсини шунчаки ўйнаб бўлмайди. Уни юракдан ижро этиш, куйга ҳамоҳанг ҳаракатлари билан образга кира олиши лозим. Раққоса ички кайфиятини, ички дардларини рақс орқали намойиш эта олиши керак. Нафиса мана шу сифатларни моҳирона удалайдиган, иқтидорли, келажакки порлоқ кизларимиздан. Ундан умидимиз катта.

— Келгусида режаларим бисёр, — дейди Нафиса Раҳматова. — Бугунги кунда устозим Зиёда Мадраҳимовадан жуда кўп нарса ўргандим. Мен улاردан миннатдорман. Келажакда фарғонача услубдаги рақсларни ижро этиш, шу билан бирга истеъдодимни яна ҳам ошириш мақсадида олий хореография мактабига кириб ўқиш, устоз санъаткорлар даражасида халққа манзур бўладиган гўзал рақслар ижро этиш ниятидаман.

Ҳа, орзуга айб йўқ, дейдилар. Эзгу мақсадлар сари дадил интилаётган Нафиса Раҳматова сингари изланувчан, иқтидорли, ёшларимизга доимо омад ёр бўлаверсин.

Дилором ИКРОМОВА
 СУРАТДА: Нафиса Раҳматова.

Тадбирлар

ОНА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда ер қуррасида иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳит ифлосланиши, табиий ресурслардан фойдаланишдаги лоқайдлик туфайли глобал муаммолар келиб чиқмоқда. Бу масалаларни ўз вақтида, оқилона ҳал этиш инсоният олдида турган муҳим вазифалар сирасига кирди.

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Республика экологик ҳаракати билан ҳамкорликда Фафур Фулом номидagi маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Сизнинг сайёра Сизга муҳтож — иқлим ўзгаришига қарши барча кучларни бирлаштиринг» мавзусидаги акцияда айни шу фикрлар кайд этилди.

Тадбирда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили ёрдამчиси Ситора Саид, Республика экологик ҳаракати раҳбари ўринбосари Аслон Мавлонов, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Сергей Самойлов, қўмитанинг ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи Дилбар Алимовалар сўзга чиқиб, бугунги кунда табиат муҳофазаси ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолганини таъкидладилар.

Агар тарих зарварақларига назар ташлайдиган бўлсак, табиат муҳофазасига халқаро миқёсда доимо муҳим эътибор қаратиб келинганлигини кўраемиз. Хусусан, 1972 йил июнь ойида Стокгольм шаҳрида БМТнинг атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган конференцияси бўлиб ўтган эди. Мазкур конференция бутун жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ушбу долзарб муаммога қаратиш йўлидаги жиддий қадам бўлганди. 2009 йил 5 июнда БМТ Бош қотибининг жаҳон ахлига йўллаган мурожаатида эса шундай даъватга дуч келамиз. «Ер шарни иқлим ўзгариши каби жиддий хавфга бақамти келмоқда. Иқлим ўзгаришидан барча мамлакатлар зарар кўраётгани табиий, аммо айни ўзгаришлар оқибатларини, биринчи навбатда, иқтисоди ночор давлатлар кўпроқ ҳис этмоқда. Бирок биз воқеалар ривожини ўзгариштириш имконига эгамиз. Декабрь ойида Копенгагенда иқлим ўзгаришига доир масалалар юзасидан муҳим музокаралар бўлиб ўтди. Биз биргаликда ҳаракат қилган ҳолда, ҳукуматлар иқлим ўзгаришига оид масалада янги битим тузиш борасида келишувга эришиш учун уларга таъсир кўрсатишимиз мумкин».

— БМТнинг «Иқлим ўзгаришига қарши курашда бирлашнинг» шiori остидаги мурожаати атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва глобал хароратнинг кўтарилишига қарши курашиш йўлида дунё халқларига қаратилган, — дейди Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ахборот-таҳлил бўлими мутахассиси Мурод Мирплатов биз билан сўхбатда. — Ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Дастур (ЮНЕП) ишлаб чиқилган. Ундаги кўзда тутилган чора-тадбирларни ҳамма ҳам бажара олиши мумкин.

Мазкур тадбир давомида болалар иждоий жамоалари ҳамда таникли эстрада юлдузларининг чиқишлари йиғилганларда катта таасирот қолдирди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефонлар: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «Тошкент шаҳар давлат мулкни ижарага бериш маркази» хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда давлат мулкидан янада оқилона фойдаланиш мақсадида қуйидаги манзиллар бўйича жойлашган бинолардаги бўш майдонларни ИЖАРАГА ОЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

№	Балансда сақловчининг номи	Манзили (жойлашган жойи)	Майдон (кв.м.)	Ижара муддати	Фойдаланиш мақсади	Ижарага бериш шарти	Телефон
1	Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти	Мирзо Улуғбек тумани, Академишарча	256,0	31.12.2010 йил	омбор	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда	262-71-32, 262-24-32
2	Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти	Мирзо Улуғбек тумани, Академишарча	380,9	31.12.2010 йил	мажлис зал	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда	262-71-32, 262-24-32
3	Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти	Мирзо Улуғбек тумани, Академишарча	250,0	31.12.2010 йил	ишлаб чиқариш	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда	262-71-32, 262-24-32
4	ТТЗ ОАЖ	Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Иппак йўли, 424-уй	751,0	31.12.2010 йил	ишлаб чиқариш		264-09-40
5	«Академасб» ИИЧБ ДК	Мирзо Улуғбек тумани, Дурмон йўли кўчаси, 28-уй	476,5	31.12.2010 йил	офис, ишлаб чиқариш	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда	262-72-73
6	Эркалар «Муруват» уйи	Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув даҳаси, 4-мавзе	240,0	31.12.2010 йил	тикув пехи	Иқтисодий таъминот бошқармаси билан келишилган ҳолда	265-34-45
7	«САНИИРИ» ИИЧБ	Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув даҳаси, 4-мавзе, 11-уй	582,1	31.12.2010 йил	офис		265-32-41, 265-18-53
8	5-сонли оилавий поликлиника	Мирзо Улуғбек тумани, Мустанқалик шоҳкўчаси, 42-уй	821,0	31.12.2010 йил	офис	Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишилган ҳолда	237-35-21
9	Тошкент вилояти статистика бошқармаси	Мирзо Улуғбек тумани, Мустанқалик шоҳкўчаси, 42-уй	124,4	31.12.2010 йил	офис	Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда	150-11-01, 150-11-29
10	Тошкент Архитектура қўриқлиш институти	Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 127-уй	1000,0	31.12.2010 йил	офис, ўқув курслари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда	241-10-84, 244-18-78
11	Тошкент санъат касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Эргаш Отаҳонов кўчаси, 3-сектор	900,0	31.12.2010 йил	ишлаб чиқариш	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда	262-65-03
12	Тошкент вилояти педагогика коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Темури Малик кўчаси, 112-уй	324,0	31.12.2010 йил	ётоқхона	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда	265-98-91, 265-98-92
13	Ядро физикаси институти	Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси	247,0	31.12.2010 йил	офис	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда	150-30-80, 289-91-18
14	«Узавтоу» ДАК маълумот технологиялари дирекцияси	Мирзо Улуғбек тумани, Мустанқалик шоҳкўчаси, 68-уй	1431,0	31.12.2010 йил	офис		237-51-13
15	Тошкент минтақавий темир йўл узели	Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 7-уй, қор.Б.	1310,0	31.12.2010 йил	кўрғазма зали	Ўзбекистон темир йўллари ДАК билан келишилган ҳолда	299-78-61
16	«Гидромеҳанизация» махсус бошқармаси ДК	Собир Раҳимов тумани, Уразбоев кўчаси, 1-уй	365,9	31.12.2010 йил	офис		228-75-29
17	238-мактаб	Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 21-мавзе	284,5	31.12.2010 йил	манший хизмат, ўқув курслари	Туман халқ таълими бўлими билан келишилган ҳолда	274-14-59
18	Республика кўзи оғизлар жамияти кутубхонаси	Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 22-мавзе, 13-уй	804,9	31.12.2010 йил	офис, манший хизмат		217-24-09, 217-24-07
19	«Ўзбекинефт» экспорт-импорт ширкати сўғурта компанияси	Ҳамза тумани, Авиасозлар даҳаси, 4-мавзе, 68-уй	652,0	31.12.2010 йил	офис		233-05-56
20	32-оилавий поликлиника	Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 8-уй	1906,0	31.12.2010 йил	офис	Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишилган ҳолда	289-59-67, 289-68-16
21	Тошкент Архитектура қўриқлиш институти	Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20-мавзе, 16-уй	3326,0	31.12.2010 йил	ётоқхона	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда	241-10-84, 244-18-78
22	Еш томошабинлар театри	Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй	300,0	31.12.2010 йил	офис	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишилган ҳолда	244-75-96
23	УР ФА Сейсмология институти	Шайхонтоҳур тумани, Зулфиқоним кўчаси, 3-уй	894,0	31.12.2010 йил	маълумот бино	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда	241-74-98
24	167-ўрта мактаб	Шайхонтоҳур тумани, Р.Файзий кўчаси, 2-уй	330,0	31.12.2010 йил	ишлаб чиқариш	Туман халқ таълими бўлими билан келишилган ҳолда	243-25-19
25	42-сонли оилавий поликлиника	Шайхонтоҳур тумани, Баҳор кўчаси, 16-уй	325,0	31.12.2010 йил	офис-дўхона	Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишилган ҳолда	241-71-13
26	157-ўрта мактаб	Шайхонтоҳур тумани, Мужрим Обид кўчаси, 3-уй	160,0	31.12.2010 йил	ишлаб чиқариш	Туман халқ таълими бўлими билан келишилган ҳолда	278-33-28
27	«Спорт» газетаси таҳририяти	Шайхонтоҳур тумани, Эшон Бобоход кўчаси, 67-уй	64,9	31.12.2010 йил	офис		246-39-49
28	Астрономия институти	Юнусовба тумани, Астрономия кўчаси, 33	65,0	31.12.2010 йил	ишлаб чиқариш	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда	235-88-79, 235-81-02
29	511-мактабгача таълим муассасаси (боғча)	Юнусовба тумани, Юнусовба даҳаси, 3-мавзе	125,0	31.12.2010 йил	ўқув курси	Туман халқ таълими бўлими билан келишилган ҳолда	224-84-55
30	59-оилавий поликлиника	Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 75а-уй	42,7	31.12.2010 йил	дорихона	Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишилган ҳолда	253-08-19

Ижара масалалари тўғрисида қўшимча маълумотлар бўйича А.Темури шоҳкўчаси, 16а-уй манзилида жойлашган «Тошкент шаҳар Давлат мулкни ижарага бериш маркази» ДК (4-қават, 408-хона) ёки 232-22-58 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин. Электрон манзил: Tashkent_ijara@mail.ru Ижара шартномасига коммунал ва эксплуатация тўловлари кирмайди.

